

ЎЗБЕКИСТОН КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИСЛОМ МОЛИЯСИ ИНСТРУМЕНТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Шамсиддинов Хусниддин Фазлиддин ўғли

Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистранти

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистон капитал бозорининг ривожда ислом молияси инструментларидан фойдаланишнинг аҳамияти борасида фикр-мулоҳазалар келтирилган. Исломий молиялаштиришга асосланган банклар, инвестиция фондлари ва компаниялар маблағларини Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва хусусий секторни қўллаб-қувватлашдаги аҳамияти бўйича хулосалар қилинган.

Калит сўзлар: *Ислом молияси, Ислом банки хизматлари, соф фойда, кредит, капитал, рентабеллик, Ислом молиявий банки.*

ABSTRACT

This article presents opinions on the importance of using Islamic finance tools in the development of the capital market of Uzbekistan. Conclusions are drawn about the importance of banks, investment funds and funds of companies based on Islamic finance in the socio-economic development of Uzbekistan and in supporting the private sector.

Key words: *Islamic finance, Islamic banking services, net profit, credit, capital, profitability, Islamic financial banking.*

КИРИШ

Ҳар бир инсон ўзининг эътиқодидан келиб чиққан ҳолда молия хизматларидан фойдаланишга ҳақли ва ҳозирги кунда дунё бўйлаб анъанавий молия хизматларига альтернатив ечимлар яратилган замонда яшайпмиз. Яъни, ислом молияси хизматлари шариат қоидаларига асосланган ва уларга рибо аралашмайди. Шунингдек, ўтказилган тадқиқотлар натижасида ислом молияси активлари йилдан йилга кўпайиб бораётганини кўришимиз мумкин. Умуман олганда, исломий молия хизматларидан фойдаланиш бир томондан фойдаланувчи эътиқодини ҳурмат қилиш бўлса, иккинчи томондан жамиятда ахлоқий меъзонларни ушлаб туришдир, учинчи томондан эса катта молиявий маблағлар жалб қилишнинг бир усулидир.

Ҳозирги даврга келиб ислом молияси тизимда кўплаб назарий ва амалий кўникмалар шаклланди. Йирик ислом молияси бозорлари вужудга келди ва инфратузилмалар яхшиланиб бормоқда. Масалан, 190 дан ортиқ мамлакатларда

40 000 дан ортиқ муассасаларга хизмат кўрсатадиган дунёдаги энг йирик правайдер бўлган Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси (ИСД) томонидан Ислом молиясининг ривожланиши тўғрисидаги ҳисоботга кўра, глобал ислом молияси активлари 2024 йилга бориб 3,69 триллион долларга етиши прогноз қилинмоқда.

Кўп илмий изланишлар ва амалий ҳаракатлар натижасида 1975 йилда “Дубай ислом банки” ва “Ислом тараққиёт банки” биринчи ислом банклари бўлиб дунё юзини кўрди. Аста-секинлик билан Малайзия ислом молияси соҳасида илмий марказлардан бирига айланди ва Ислом молияси халқаро таълим маркази ва Ислом молияси соҳасидаги шариат тадқиқотлари халқаро академияси каби таълим масканлари ўз фаолиятини бошлади. Ислом молияси кенг кўламда ёйила бошлади ва Ғарб мамлакатларида ҳам қизиқиш уйғота бошлади. Форс кўрфази мамлакатларидаги аҳоли ва бизнес вакиллари ислом молияси маҳсулотларининг мазмун-моҳиятини яхши тушуниб етиши натижасида, бундай маҳсулотларга нисбатан бўлган талаб ҳам юксалиб борди¹.

Мусулмон давлар қаторида бўлган Ўзбекистонда ҳам ислом молиясини ривожлантириш устувор вазифалардан бири эканлиги борасида Президентимиз Ш.Мирзиёев шундай фикрларни илгари сурди: “Мамлакатимизда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақти-соати келди. Бунга Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этилади”.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Ислом молияси ва унинг капитал бозори ривожланишидаги аҳамияти борасида бир қатор тадқиқот ишлари амалга оширилганлигини қайд этиш лозим. Жумладан ушбу масала юзасидан мамлакатимизда Э.А.Байдаулет, Б.Жураев, Н. Э.Жиянова каби тадқиқотчиларнинг ишларини эътироф этиш жоиз. Ушбу тадқиқотчилар ўз изланишлари орқали исломий молиянинг моҳиятини илмий нуқтаи назардан очиб беришга ҳаракат қилдилар. Шунингдек, мазкур масала юзасидан покистонлик олим Тақи Усманий томонидан “An Introduction to Islamic Finance” номли китоб нашр қилинган бўлиб, ушбу китобда ҳам ислом молияси атрофида тадқиқ қилинган².

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мазкур тадқиқотда мантикий ва таққослама таҳлил, гуруҳлаш усуллари, анализ ва синтез, абстракциялаштириш, қиёслаш ва аналогик таҳлил методларидан фойдаланилди.

¹ Навид Муҳаммад. “Исломий молия тарихи”, 2015. – Б.136.

² Muhammad Taqi Usmani. “An Introduction to Islamic Finance”. 1998. 125 P.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР МУҲОКАМАСИ

Республикамизнинг яқин қўшниси бўлган Тожикистонда ташкил этилган Тавҳид банки бу ердаги илк ислом молиявий банки ҳисобланади. Мазкур банк 1999 йил 24 августда Тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш акциядорлик тижорат банки сифатида таъсис этилган бўлиб, 2002 йил 22 майда “Соҳибкорбанк” номи билан қайта ташкил этилган. Банк ташкил топган кундан бошлаб мамлакат молия хизматлари бозорининг фаол, ишончли ва барқарор иштирокчиси сифатида танилган. 2019 йил 1 июлдан банк номи “Тавҳидбанк”га ўзгартирилди ва 2019 йил 16-сентябрдан бошлаб Тожикистондаги биринчи Ислом банки сифатида фаолият юритиб келмоқда. Молиявий портфельнинг соф даромади ўтган йилга нисбатан 370 фоизга ўсди. Комиссия даромади, асосан, ҳисоб-китоб операциялари ва кафолатлар ҳисобига 20 фоизга ўсди. 2021 йил 30 ноябрь ҳолатига кўра, капитал ўтган йилга нисбатан 21 фоизга кўпайиб, 110 миллион сўмни ташкил қилди. Банк активлари 32 фоизга ўсган ҳолда 181 миллион сўмни ташкил этди. Банкнинг молиялаштириш портфели 155 фоизга ошиб, 23 миллион сўмни ташкил этди.

Муаммоли кредитлар улуши 0,02% ни ташкил қилади. Ижобий рентабеллик кўрсаткичлари: Капиталнинг рентабеллиги ва Активларнинг даромадлилиги мос равишда 2,38% ва 3,95% ни ташкил этди³.

Қайд этиб ўтиш жоизки, Ўзбекистонда ислом молиясини жорий этиш бўйича баъзи муаммолар пайдо бўлмоқда. Қуйида бир қатор долзарб муаммолар ислом банклари жорий этилишига тўсқинлик қилмоқда:

1. ислом молиясини жамиятдаги жорий этувчи бўғиндаги муаммолар;
2. ислом молиясини жорий этишда анъанавий банклар ўз мижозларини камайишидан ҳадиксираши;
3. юртимиздаги мусулмон бўлган аҳолининг бўш турган активларни анъанавий банклардан кўра, ислом банкларига капитал сифатида жалб этиш самарали эканлигини тўғри баҳоланмаслиги;
4. ислом банкчилигини ташкил этиш орқали ижтимоий ёрдамга муҳтож аҳолини ҳам мамлакат иқтисодиётига кириб боровчи эшиклардан бири бўлиши мумкин;
5. ислом молияси хизматларини жорий этиш бўйича мукамал ҳуқуқий асос яратиш бўйича ҳаракатлар сустлиги.

Мамлакатимизда халқаро ислом ташкилотлари, илмий ҳамжамият, таълим муассасалари, ислом банк-молия муассаса ва гуруҳлари ўзларининг тор миллий

³ <https://tawhidbank.tj/en/o-banke/news/tawhidbank-the-first-islamic-bank-in-tajikistan-announces-financial-results-for-eleven-months-of-202/>

доирасидан ташқарига чиқиши ва ислом молиясини муваффақиятли жорий қилган давлатлар тажрибасини аҳоли ва миллий мувофиқлаштирувчи ташкилотлар, молия бозори иштирокчилари ва амалдорлар орасида кенг тарғиб қилиши ва шу орқали ислом молияси моҳиятини қабул қилиш ва тушуниб етиш даражасини ошириши зарур. Ислом молияси хизматлари жорий этилган давлатларда самарали ва мўтадил ишлаб келмоқда. Ислом банкчилигини ташкил этиш орқали кўпчилик қисми мусулмон бўлган давлатда, самарали фаолият юритиш ва давлат иқтисодиётига сезиларли даражада таъсир этиш мумкин.

Ўзбекистонда ислом молиясини ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган қуйидагилар чора-тадбирлар ижобий самара бериши мумкин:

1. аввало мамлакатимизда алоҳида марказий ислом банкини ташкил этиш;
2. мукамал бўлган ҳуқуқий-асосий базани яратиш масаласини оммавий муҳокамага қуйиш;
3. ислом банкларида шаръий кенгашларни ва турли халқаро мувофиқлаштирувчи марказлар (идоралар) ташкил қилиш;
4. ислом банк-молия тизимини жорий этган ва ислом молияси ривожланиши учун мустаҳкам асос яратган мамлакатларнинг мувофиқлаштирувчи ташкилотлар билан кенг кўламдаги шерикчилик алоқаларини боғлаш.

Ўзбекистон 1996 йилдан Ислом ҳамкорлик ташкилоти, 2003 йилдан Ислом тараққиёт банкининг тўлақонли аъзосига айланди. Бундан уч йил олдин Ислом тараққиёт банки ҳамда Ўзбекистон ҳукумати ўртасида 2018-2021 йиллар давомида 1,3 миллиард АҚШ доллар миқдорида маблағ ажратиладиган ҳамкорлик стратегияси имзоланди. Мазкур стратегия асосида амалга ошириладиган молиялаштириш мамлакат ҳаётининг барча соҳалари, хусусан, қишлоқ хўжалиги, уй ва йўл қурилиши, таълим ва бошқа тармоқларни қамраб олиши белгиланди⁴.

Бугун мамлакатимизда ислом ташкилотлари билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган бўлсада, ислом молия хизмати биз учун нисбатан янги йўналиш ҳисобланади. Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ислом молиявий хизматларини жорий қилиш учун ҳуқуқий базани яратиш бўйича фикрлар билдирилгани ҳам бежиз эмас.

Амалий жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, мамлакатимизда ислом молия хизматларини ташкил этиш зарурий эҳтиёжга айланаётганини кўриш мумкин. Боиси, банк хизматлари, кредит олиш масалаларида ҳам инсонларнинг истак-

⁴ Б.Жураев. “Исломий молия ва банк тизими”, “Ўзбекистон” Тошкент. 2019. – Б. 119.

лари турфа хил. Ислом молиясини жорий этиш эса одамларнинг танлов имкониятларини оширади. Албатта, бу ўз-ўзидан содир бўладиган жараён эмас. Ислом молиясини ташкил этиш ва ривожлантириш учун мобиль банк хизматлари, миждозлар ва банк ходимларининг ислом молияси негизлари ҳамда маҳсулотлари ҳақидаги тушунчалари, анъанавий банклар билан соғлом рақобатни амалга ошириш каби муҳим жиҳатлар тўғрисида ҳам чуқур ўйлашимиз керак бўлади. Мазкур тизимни юртимизда жорий этиш ва оммалаштиришда шубҳасиз, хорижда таҳсил олиб, янги ғоялар, илғор тажриба ва инновацияларни олиб келаётган ёшлар, билимга чанқоқ, юқори интеллектуал салоҳиятга эга ўғил-қизларнинг ҳиссаси катта бўлади.

Ўзбекистонда Ислом молиявий хизматлар билан ҳам ҳозирча фақат битта, Ислом Тараққиёт Банкнинг ICD компанияси ташкил қилган “Taiba Leasing” компанияси шуғулланмоқда. Ҳозирги пайтда республиканинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларида жиддий ислохотлар олиб борилаётгани, банк-молия тизимида улкан ўзгаришлар бўлиб турган бир пайтда Ислом молиясини жорий қилиш масаласини бугунги кун тартибига киритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Маҳаллий тадбиркорлар билан молия-инвестиция масалалари бўйича яқиндан ишлайдиган мутахассисларнинг фикрича, Ислом молияси ва Исломий банк фаолиятига мамлакатимизда қизиқиш ва талаб катта. Мамлакатимизнинг барча минтақаларида тадбиркорлик субъектлари орасида ҳам, оддий аҳоли орасида ҳам ислом молиявий хизматлар талабгорлари кўпайиб бормоқда. Ислом молияси мамлакатимизга бир қанча ижобий ўзгаришлар олиб келиши мумкин, шулар қаторида:

1. Банк тизимининг фаоллашуви. 2017 йил бошида республика банк тизимининг жами кредит портфели ЯИМга нисбатан ўртача 26 фоизни, жалб қилинган банк омонатлари эса ЯИМнинг 18 фоизини ташкил қилди. Bloomberg маълумотларига кўра, бу кўрсаткичлар кам даромадли ривожланаётган мамлакатларда 47% ва 33%, ривожланган давлатларда эса 60-70%, айримларида ҳатто 100% дан ҳам юқори. Бундан маълум бўладики, Ўзбекистонда банк хизматларидан фойдаланиш коэффиценти бошқа давлатларга нисбатан анча паст. Ислом молияси ва Исломий банк фаолиятининг жорий қилиниши бу коэффицентни кўтаришга ёрдам бериши муқаррар.

2. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Ҳозирги кунда хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича барча мамлакатлар рақобат майдонига киришган. Ўзбекистон қаторидаги давлатлар ўз маблағлари билан кирадиган инвесторлар учун қулай қонунчилик ва солиқ базаси, инфратузилма ва барча зарурий шарт-шароитлар яратиб беришмоқда. Хусусан, араб ва мусулмон

давлатлардан келувчи инвесторлар учун Исломиё банклар ва такафул суғурта компанияларини ташкил қилишмоқда. Ўйрик инвестицион дастурларга эга бўлган Ўзбекистоннинг ҳам керакли Ислом молия инфратузилмасини яратиши ҳозирги замон талабидир.

3. Халқаро майдонда давлат нуфузининг ошиши. Ислом молия ва Исломиё банк тўғрисидаги қонунлар мамлакатнинг виждон эркинлиги ва диний эркинлик бўйича олиб бораётган саъй-ҳаракатларига янада ёрқин ва кескин тус бериб, унинг мусулмон оламида ва бошқа дунё давлатларининг назарида мустақил, эркин, демократик давлат деган обрўйига катта ҳисса қўшади. Аجدодларимизнинг илмий меросини тиклаш. Ўзбекистонда Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара ва Қуддуси шарифдек азиз ва кўҳна Самарқанд, Бухоро, Термиз шаҳарлари бор. Бу юртдан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд сингари улуғ аجدодларимиз илм-маърифат нурини бутун дунёга сочишган. Томирларида аجدодларининг қони оқаётган, юрти бир пайтлар Ислом тамаддуни маркази бўлган бу халқ Ўзбекистонни нафақат минатақамизнинг, балки бутун дунёнинг Ислом молия марказларидан бирига айлантиришга қодир ва ҳақлидир.

ХУЛОСА

Мазкур тадқиқот бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

Ўзбекистонда исломиё молия тизимини кенг жорий этиш, аҳоли ва юридик шахсларни ислом молия хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондирилишида қуйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- Ислом банклари фаолияти ва ислом банк хизматлари бўйича мавжуд хорижий давлатларнинг тажрибаларидан фойдаланилган ҳолда зудлик билан миллий қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлардан қабул қилиш;
- Ушбу соҳада истиқболли кадрларни олий таълим тизимида алоҳида ёъналишлар очган ҳолда тайёрлаш;
- Оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоқларидан кенг фойдаланилган ҳолда аҳолининг саводхонлигини ошириш;
- Янги давр банки сифатида очилаётган истиқболли рақамли банклар сингари алоҳида миллий ислом банкларини очиш;

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.
2. Hasanuzzaman, S. M. (1984). "Definition of Islamic Economics", Journal of Research in Islamic Economics, 1(2), pp. 51-53.

3. Mannan, M. A. (1983). “Islamic Economics as Social Science: Some Methodological Issues”, Journal of Research in Islamic Economics, 1(2), pp. 41-50.
4. Ahmad, Khurshid (1992), “Nature and Significance of Islamic Economics”, in Ausaf Ahmad and Awan (eds.), Lectures on Islamic Economics. Jeddah: Islamic Development Bank.
5. Siddiqui, M. N (1992). “History of Islamic Economic Thought”, in Ausaf Ahmed et al. (eds.), Lectures on Islamic Economics. Jeddah: IRTI-Islamic Development Bank.
6. Навид Муҳаммад. “Исломий молия тарихи”, 2015.
<https://www.islamicfinance.com/2015/02/an-overview-of-the-history-of-islamic-finance>;
7. Муфтий Муҳаммад Тақий Усманий. “Исломий молияга кириш”, Maktaba Ma’ariful Quran Karachi – 75180, 2007. Mehran Printers, Karachi.